

**Юлдашева Нодира Викторовна,**  
Тошкент молия институти мустақил  
тадқиқотчиси;  
**Аметова Фотима Розматовна,**  
Тошкент молия институти ўқитувчиси

# ИЖТИМОЙ СОҲА ТАРАҚҚИЁТИДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

УДК:336.145.1

## **ЮЛДАШЕВА Н.В., АМЕТОВА Ф.Р. ИЖТИМОЙ СОҲА ТАРАҚҚИЁТИДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

Мақолада мамлакатимиз ижтимоий тизимида маҳаллий бюджетларнинг ўрни, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари таҳлили ҳамда ушбу тизимда мавжуд муаммолар ёритиб берилган. Шунингдек, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг аҳамиятини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий сиёsat, ижтимоий таъминот, маҳаллий бюджет, солиқлар, маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, давлат бюджети, ижтимоий суғурталаш.

## **ЮЛДАШЕВА Н.В., АМЕТОВА Ф.Р. РОЛЬ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ В РАЗВИТИИ СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЫ**

В статье освещена роль доходов местных бюджетов и раскрыты проблемы, существующие в данной сфере, а также разработаны рекомендации по развитию социальной сферы и повышению значимости местных бюджетов в социально-экономическом развитии республики.

Ключевые слова: социальная политика, социальное обеспечение, местный бюджет, налоги, доходы и расходы местного бюджета, социально-экономические реформы, государственный бюджет, социальное страхование.

## **YULDASHEVA N.V., AMETOVA F.R. THE ROLE OF LOCAL BUDGETS IN THE DEVELOPMENT OF SOCIAL SPHERE**

There is discussed in the article role of local budgets in the social system of the country, analyzes the revenues of local budgets and reveals the problems existing in this sphere, and also suggested recommendations for the development of the social sphere and increasing the importance of local budgets in the socio-economic development of the Republic.

Keywords: social policy, social security, local budget, taxes, revenues and expenditures of the local budget, social and economic reforms, the state budget, social insurance.

## Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари, энг аввало, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, уни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, шу мақсадда маҳаллий бюджетларни ривожлантириш ва даромад базасини кенгайтириш орқали ҳудудларнинг ижтимоий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган. Ижтимоий ҳимоя тамойили асосида аҳолининг кам таъминланган ва муҳтоҷ қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида аниқ йўналтирилган самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, таълим, маданият, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида мақсадли умуммиллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш – давлатнинг бевосита аниқ мақсадли, аҳолининг нормал яшаш шароитларини таъминловчи кафолатлар тизимиdir. Ижтимоий соҳани ривожлантириша аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кексаликни, меҳнатга лаёқатсизликни ёки боқувчисини йўқотишини суғурталаш (пенсия таъминоти), кам таъминланган оиласарга ижтимоий тўловлар, болалар учун нафақалар, вақтинчалик ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ишсизлик нафақалари, моддий таъминланганлиги ва хизматларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг айrim тоифалари учун имтиёз ва қулийликлар яратиб бериш, оналикни ҳимоя қилиш, саломатликни суғурталаш, таълим олаётган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш, ногиронликнинг олдини олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш тизимлари орқали таъминланиб келмоқда.

Ҳукуматимиз асосий қонунлар ва қонуности ҳужжатлар асосида ижтимоий соҳани тартибга солиб боради, ўртacha умр кўриш даражасини аниқлайди ва ундан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақи, ижтимоий тўловлар, суғурта мукофотлари ва ижтимоий ёрдам турларини белгилайди, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда иштирок этувчи идора ва ташкилотларнинг фаoliyatiini мувофиқлаштиради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшashi – бизнинг бош мақсадимизdir. Бу йўналишда олдимизда улкан вазифалар турибди. Мамлака-

тимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислоҳотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ. Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рӯёбга чиқаришимиз керак. Шу мақсадда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак. Ҳалқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ҳаётий муҳим масаладир. Такрор айтаман, тинчлик ва соғлиқни таъминласак, қолган ҳамма нарсага эришамиз. Ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтоҷ қатламларни қўллаб-қувватлаш, албатта, устувор вазифамиз бўлиб қолади<sup>1</sup>», дегани мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилаётган юксак эътиборни англатади.

## Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Бюджет тизими таркибида маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти, ижтимоий сиёсатда маҳаллий органларнинг тутган ўрни, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш каби ижтимоий масалалар кўплаб хорижий иқтисодчи-олимлар Г.Б.Поляк, М.Романовский, Г.Н.Белоглазова, В.В.Ковалева, Роберт Д.Ле, С.Фишер, А.Лаффер ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида маҳаллий ҳокимият органларининг ижтимоий аҳамиятини ошириш ва ижтимоий соҳани такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борган мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан М.Ш.Шарифходжаев, А.В.Вахобов, Б.Х.Умурзаков, Қ.Х.Абдураҳмонов, М.К.Абдуллаева, З.Х.Сирохиддинова, Г.А.Касимова, Т.С.Маликов, Н.Хайдаров, Ш.Аллајаров, Д.Тошмухамедова, З.Ю.Юлдашевларнинг илмий изланишларини таъкидлаб ўтиш мумкин.

## Таҳлил ва натижалар

Мамлактнинг макроиктисодий барқарорликка эришиш йўлида ҳукумат томонидан ўрta ва узоқ келажакка мўлжалланган давлат дастурини амалга оширишда, иқтисодий ислоҳотларнинг чукурлашуви ва бозор муносабатларининг янада ривожланиш шароитида маҳаллий бюджетлар муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз молия-бюджет тизимида амалга оширилаётган ислоҳот-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // «Ҳалқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь.

лар ҳудудлардаги ижтимоий-молиявий муаммаларнинг кескинлашуви шароитида ҳамда бугунги кундаги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджетлар маблағларини самарали бошқариш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу борада аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилашда аҳолининг моддий таъминоти билан чамбарчас боғлиқ бўлган маҳаллий ҳокимият органарининг роли катта аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Давлат хизматларини бевосита қўйи бўғинларда кўрсатиш, маҳаллий ҳокимият идоралари учун молиявий ва бошқа имкониятларни кенгайтириш зарур. Бу борада мавжуд тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва соддалаштириш, бошқарувнинг инновацион шаклларини жорий этиш лозим<sup>1</sup>, деган таклиф ва мулоҳазалари ушбу соҳага қаратилаётган диққат-эътибор натижасидир.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибини барқарорлаштириш, тўлов интизомига риоя этиш, солиқларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиш механизмини такомиллаштириш, солиққа оид қонунбузарликларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришда маҳаллий бюджет маблағларини самарали бошқаришнинг асосий йўналишларини излаб топиш кабилар долзарб масалалардан бўлиб келмоқда.

Юқоридаги жадвалда 2018-2019 йилларга мўлжалланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига давлат солиқ тушумларидан ажратмалар тартиби фоизларда келтириб ўтилган. Унга кўра, юридик шахслардан фойда солиғи Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Сирдарё вилоятларида 100 фоиз маҳаллий бюджетга, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан ташқари барча вилоятларда 100 фоиз маҳаллий бюджетга, ҚҚС солиғи эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятида тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетга йўналтирилган, шунингдек, қолган солиқлар: савдо ва умумий оқцатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига тушумлар, спиртли ичимликлар, пиво, ўсимлик ёғи учун акциз солиғи, ер қаъридан фой-

даланганлик учун солиқлар ҳам барча вилоятлар кесимида тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетга йўналтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятида келтирилган солиқларнинг 100 фоизи маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришга йўналтирилар экан.

Ҳар қандай демократик давлатнинг зарурий компоненти маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳисобланади. У жойлардаги сайланган бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. Маҳаллий бошқарув ва ижроия органларига юкланган вазифаларни бажариш учун уларга муайян мулкий ва молиявий-бюджет ҳукуқлари берилади.

Маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий базаси уларнинг бюджетлари ҳисобланади. Бу уларга берилган бюджет ва мулкий ҳукуқлар ўз бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва бажариш имкониятларини беради. Маҳаллий ҳокимият органлари ўз даромадлар манбалари базасининг ошиши ҳисобига ҳокимиятлар олдидаги вазифаларни моддий жихатдан молиялашириш манбаси сифатида ва уларни мустақил сарфлаш имконини беради. Маҳаллий бюджетлар харажатлари доимо ошиб бориши ўз маблағлари етишмаслиги сабабли юқори бюджетдан қўшимча маблағлар ажратиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу зарурият асосан тартибга солувчи даромадлар, яъни юқори бюджетдан бериладиган маблағлар ҳисобига бажарилади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, унда Тошкент вилояти маҳаллий бюджети даромадларининг охирги 2015-2019 йиллардаги статистикаси таҳлил қилинган. Унга кўра, маҳаллий бюджет даромадлари жами 2015 йилда 2711 млрд сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилга келиб 6009 млрд сўм ва 2019 йил январь ойи якуни бўйича эса 758,0 млрд сўмга тенг бўлган. Вилоят кесимида тўғри ва эгри солиқларни таҳлил қиласиган бўлсак, 2018 йил бўйича 1584 млрд сўм тўғри солиқлар улушкига, 2292 млрд сўм эгри солиқлар улушкига тўғри келган, шунингдек, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи 1883 млрд сўмга, бошқа даромадлар эса 2018 йил якуни бўйича 248 млрд сўмга тенг бўлган.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлашда улар ихтиёрига берилган маҳаллий солиқ ва йиғимлар бўйича тадбирлар муҳим ўрин тутади. Шуни алоҳида таъкидлаш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь

**1-ЖАДВАЛ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига давлат солиқ тушумларидан ажратмалар тартиби<sup>1</sup>, 2018-2019 йилларга**

№	Вилоятлар	Юридик шахслардан фойда солиғи	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	КҚС	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига тушумлар	Спиртли ичимликлар, пиво, ўсимлик ёғи учун акциз солиғи	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
1	Қоракалпоғистон Республикаси	100/100*	100/100	100/100	100	100	100
2	Андижон вилояти	65/100	100/100	100/60	100	100	100
3	Бухоро вилояти	79/100	100/100	5/20	100	100	-
4	Жиззах вилояти	81/100	100/100	100/61	100	100	100
5	Қашқадарё вилояти	32/100	100/100	37/50	100	100	-
6	Навоий вилояти	92/100	100/100	31/26	100	100	-
7	Наманган вилояти	100/100	100/100	100/100	100	100	100
8	Самарқанд вилояти	70/100	100/100	100/36	100	100	100
9	Сурхондарё вилояти	100/100	100/100	100/63	100	100	100
10	Сирдарё вилояти	90/100	100/100	73/29	100	100	100
11	Тошкент вилояти	-	74/77	20	100	-	-
12	Фарғона вилояти	85/100	100/100	21/100	100	100	100
13	Хоразм вилояти	83/100	100/100	79/31	100	100	100
14	Тошкент шаҳри	-	4/10	-	10	-	-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли ҳамда 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорлари.

**2-жадвал. Тошкент вилояти маҳаллий бюджети даромадларининг охирги беш йиллик статистикаси, млрд сўм<sup>1</sup>.**

№	Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й. (январь)
	Даромадлар	2,711.0	3,194.5	3,918.2	6,009.3	758.0
1	Тўғри солиқлар	823.0	930.2	1,141.9	1,584.1	154.5
	Юридик шахсларнинг фойда солиғи	62.1	73.7	98.2	384.9	41.5
	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови	137.4	178.9	211.1	226.4	20.8
	Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	120.7	145.3	168.9	227.7	0.0
	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	410.6	432.6	512.8	665.8	86.7
	Қатъий белгиланган солиқ	58.2	73.6	94.5	88.3	5.3
	Инфраструктурани ривожлантириш солиғи	34.0	26.2	56.3	-8.9	0.1
2	Эгри солиқлар	1,146.0	1,349.5	1,706.7	2,292.8	266.3
	Қўшилган қиймат солиғи	669.1	799.1	977.0	1,566.5	196.9
	Акциз солиғи	287.9	340.4	422.0	529.3	69.4
	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ	188.9	209.9	307.7	197.0	0.0
3	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	584.1	695.3	872.8	1,883.6	316.0
	Мол-мулк солиғи	150.5	190.2	205.6	252.8	23.3
	Ер солиғи	90.3	124.3	132.5	178.3	23.8
	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	292.8	332.9	484.1	1,402.5	256.5
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	50.5	47.8	50.6	50.1	12.4
4	Қўшимча фойда солиғи	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0
5	Бошқа даромалар	158.0	219.5	196.8	248.8	21.3

лозимки, маҳаллий бюджетлар маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ташкил этиш ва бошқариша мустақил бўлсалар-да, Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тегишли меъёrlар доирасида фаолият юритадилар. Маҳаллий бюджетлар амалиётидаги муҳим хусусият қонунчиликда белгиланганидек, тақчилликка йўл қўйилмаслигидир. Давлат молия сиёсатида маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг баланслилиги Республика бюджети субсидиялари орқали кафолатланмоқда.

### Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, ижтимоий фаровонлигини ошириш, турар жой ва коммунал хизматлар билан боғлиқ харажатлар ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш маҳаллий бюджетлар харажатларининг асосий йўналишини ташкил этади. Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларни умум-

лаштириб, ижтимоий соҳани такомиллаштиришда маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш борасида қўйидаги чора-тадбирларни тизимли амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида, шу билан бирга маҳаллий бюджетлар даромадларини тўғри ва оқилона сарфлаш баробарида қўшимча ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ аҳоли касалликларининг оғирлиги ва уни даволаш харажатларини ҳисобга оладиган механизмлар ишлаб чиқиш;

– маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаб топиш;

– маҳаллий ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш иқтисодий начор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш орқали маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш;

– маҳаллий бюджетлар солиқли даромадлари аҳамиятининг ўсиб бориши шароитида уларнинг ортириб борилишидан солиқ органлари қаторида молия органларининг ҳам бирдай манфаатдорлигини ошириш;

<sup>1</sup> Тошкент вилояти молия бошкармаси мълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

– маҳаллий бюджетлар имкониятларини оширишнинг истиқболдаги вазифаларини белгилашда солиқ омилларининг барқарор ва муҳим манба эканлигини, солиқли даромадларнинг мукаммал нисбатларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари имкониятларини ривожлантириш стратегияси юзасидан юқорида келтирилган фикр-

мулоҳазалар, таклиф ва тавсияларнинг ҳисобга олиниши давлатнинг маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш сиёсатидаги вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлайди ҳамда малакатимизнинг иқтисодий ривожланиш шароитида республика аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда муҳим илмий-услубий кўрсатмаларни бера олади, деб ўйлаймиз.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 2008 йил 26 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, 2013 йил 26 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Муроҷаатномаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь.
6. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси.
7. [www.toshvil.uz](http://www.toshvil.uz) – Тошкент вилоят ҳокимияти расмий сайти.